

## КЕЙТЕРИНГ ШАРТНОМАСИ № 30

Нукус шаҳри

“14” октябрь 2022 йил

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 августдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини кейтеринг усулида ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги 472-сон қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасаларидаги 1-4-синфлар ўқувчиларини кейтеринг усулида соғлом овқатлантириш тизимини ташкил этиш мақсадида тузилади.

Мазкур Низом асосида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бир томондан ва М. ДОЛСТ ORGANIC номидан (кейинги ўринларда – “Кейтеринг ташкилоти”) устаб асосида фаолият юритувчи директор Ш. Аскар иккинчи томондан ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

### I. Шартнома предмети

1.1. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 августдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини кейтеринг усулида ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги 472-сон қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасидаги умумий ўрта таълим муассасаларининг 1-4-синф ўқувчиларини кейтеринг усулида соғлом овқатлантириш тизимини ташкил этиш учун тузилади.

1.2. Шартномага кўра ҳар куни умумтаълим мактабларининг 1-4-синфлар ўқувчиларини Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган наъмунавий мавсумий таомномалар, таом тайёрлаш бўйича технологик карталар асосида масофавий усулда соғлом овқатлантиришни таъминлайди.

### II. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

#### 2.1 Кейтеринг ташкилоти ҳуқуқлари:

- етказиб берилган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари учун бўнак мазкур шартнома ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш;

- умумтаълим мактабларида етказиб берилган тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини ўз вақтида қабул қилиб олишни;

- шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни;

Етказиб берувчининг шартномада кўрсатилмаган бошқа ҳуқуқлари

#### 2.2. Кейтеринг ташкилоти мажбуриятлари:

- тайёр таомларни Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган таомнома асосида овқатлантиришни ташкил этиш;

- тайёрланган ва қадоқланган таомларни, бир марта ишлатиладиган қутиларда (таомномадаги тез бузиладиган маҳсулотлар совиткич мосламаси ўрнатилган махсус автотранспорт воситаларида, совук кунлари бундан мустасно) мактабларга етказиш;

- етказиб берилган қадоқланган тайёр таомларни мактаб ошхоналарида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ўқувчиларга тарқатишни ташкил этиш;

- етказиб берилган мактаб ошхонасида истеъмол қилинган қадоқланган тайёр таомларнинг чиқиндиларини ўз вақтида утилизация қилиш чораларини кўриш;

- узоқ ва олис ҳудудлардаги мактабларга (тасдиқланган рўйхат асосида) қадоқланган тайёр таомларни ўз вақтида, сифати бузилмаган ҳолда етказиб бериш мақсадида ўша ерда жойлашган мактабларнинг бирида тайёр маҳсулотларни сақлашни ташкил этиш (узоқ ва олис ҳудудлардаги мактабларга етказиб берилган қадоқланган тайёр таомлар уларнинг сифатига таъсир қилмаган ҳолда техник воситалар орқали (музлаткич, вакуум мосламалари, овқат учун мосланган контейнерлар) сақланишини таъминлайди);

- ўқувчиларни овқатлантириш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларида белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари асосида амалга ошириш;

- ҳар бир мактабда тузилган махсус комиссия томонидан хизматлар кўрсатиш жараёнида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатсизлиги ёки бошқа камчиликлар аниқланган тақдирда шу вақтнинг ўзида бартараф этиш;

- ўқувчиларининг уйинқароқлигини инобатга олиб, уларни ҳар хил касалликлардан сақлаш мақсадида фақат иссиқ ёки хона ҳароратида бўлган ичимликлар билан таъминлаш;



- ходимлари зиммасига мактаб ҳудудида одоб-ахлоқ қоидалари шунингдек, мактабнинг ички тартиб қоидаларига риоя қилиши;  
- мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш.

Кейтеринг ташкилоти мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан умумтаълим мактабларига кўрсатилган вақтда тайёр ва қадоқланган озиқ-овқат маҳсулотларини бир ой ичида 3 (уч) маротаба етказиб бермаган тақдирда шартнома бир томонлама бекор қилинади.

### 2.3. Буюртмачи мажбуриятлари:

- шартномага кўра ҳар куни етказиб берилаётган қадоқланган тайёр таомларни (маҳсулотлар) мазкур шартномага мувофиқ, умумтаълим мактабларида тузилган комиссия таркиби иштирокида қабул қилишни таъминлаш;

- бажарилган ишларнинг туман (шаҳар) халқ таълим бўлимлари томонидан умумлаштирилган йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича ойида бир маротаба етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотлари учун ҳақ тўлаш.

Хўжаликнинг шартномада кўрсатилмаган бошқа мажбуриятлари.

### 2.4. Буюртмачи ҳуқуқлари:

- ташкилотидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат ва ассортиментдаги тайёр таомлар (маҳсулотлар) етказиб берилишини талаб қилиш;

- Кейтеринг усулида овқатлантиришни амалга ошириш учун куйилган талаблар бажарилишини ўрганиш;

- туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан соғлом овқатланишни ташкил этиш юзасидан доимий мониторинг олиб бориш жумладан, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида сўровномалар ўтказиш;

- кейтеринг фаолиятига аралашмаган ҳолда бажарилаётган ишларнинг юритилиши ва маҳсулотлар сифатини исталган вақтда текшириш.

- маҳаллий Санитария-эпидемиологик асоишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан биргаликда ташкилот томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати устидан доимий назоратни амалга ошириш ҳамда ўрганиш натижаларига кўра кейтеринг ташкилотини “инсофли ижрочи” ёки “инсофсиз ижрочи” руйхатига киритиш.

Хўжаликнинг шартномада кўрсатилмаган бошқа ҳуқуқлари

## III. Шартноманинг нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартнома бўйича кейтеринг томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда ҚҚС билан жорий нархларда 490 691 280 (Тўрт юз тоқсон миллион саккиз юз тоқсон бир миң еки юз саксен) сўмни ташкил этади ва 1000 218 603 540 170 921 000 75005 шахсий ғазна ҳисобварағидан тўланади.

3.2. Кейтеринг ташкилотига шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида олдиндан 15 фоиз миқдоридаги бўнак тўловлари ўтказилади.

3.3. Кейтеринг ташкилоти Буюртмачи билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш учун амалда кўрсатилган хизматлар ҳисоб-фактуралар (бажарилган ишлар далолатномалари) ҳамда бошқа асословчи ҳужжатларни туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига тақдим этади ва халқ таълими бўлимлари ҳисоб-фактураларни «kundalik.com» платформасида шаклланган маълумотлар билан солиштириб, уларни умумлаштирган ҳолда Буюртмачига тақдим этади. Тақдим этилган маълумотлар асосида Буюртмачи ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб, кейинги ойнинг 10-санасига қадар 85 фоиз миқдоридаги маблағлар тўлаб берилади.

3.4. Овқатланадиган бир киши учун кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи кейтеринг етказиб берувчидан харид қилган ва тегишли меъёрлар бўйича тасдиқланган озиқ-овқат маҳсулотларининг амалдаги нархи (Ўзбекистон Республикаси Молия ва Халқ таълими вазирликлари томонидан 2022 йил 30 август куни тасдиқланган нархдан баланд бўлмаслиги керак) овқатланувчиларнинг сонига кўпайтириш йўли билан Буюртмачи томонидан белгиланади.

3.5. Овқатланувчиларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва овқатланадиган бир кишига кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик таомномага (озиқ-овқат маҳсулотларининг тақсимоти) мувофиқ кейтеринг билан биргаликда ҳар ойда тўланиши лозим бўлган сўммани кўрсатган ҳолда бажарилган ишларнинг йиғма далолатномасини тузади ва ҳисоб-фактурани расмийлаштиради ҳамда улар кейтеринг раҳбари ва мактаб директори томонидан имзоланади.

3.6. Мазкур Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган Шартнома прогноз суммасини ҳисоблаш учун озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари ўзгарганда ёки бошқа асосли ҳолатларда Томонларда бирининг ташаббуси билан бир ойда бир марта қайта кўриб чиқиши мумкин.



#### **IV. Томонларнинг мажбуриятлари**

4.1. Кейтеринг Буюртмачи шахсий таркибининг овқатланишини ташкил этиши бўйича Шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди. Бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларни зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф этишдан озод қилмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмагани ёки тегишли даражада бажарилмагани учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортиладилар.

4.4. Томонларнинг мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади ва муаммоли ҳолатлар юзага келганда *Нукус туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.*

#### **V. Низоларни ҳал этиш тартиби**

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар судга қадар талабнома қўллаш орқали ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиш мумкин бўлмайдиган ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф этиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун судга берилади.

#### **VI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ**

6.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди, ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

6.2. Агар шартнома бўйича бир тараф ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келадиган хатти-ҳаракатларга шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиш керак: “1008” ишонч телефони, телеграм-канали (“@антисорбот”), Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

#### **VII. Форс-мажор ҳолатлар**

Томонлар мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолат энгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулудда ҳолатлар оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга орқага сурилади.

#### **VIII. Яқунловчи қоидалар**

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартномага барча иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

8.3. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор-бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

8.4. Ушбу Шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

#### **IX. Мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати.**

9.1. Ушбу Шартнома икки томонлама имзоланган пайдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил “31” “*декабрь*” амал қилади.


9.2. Кейтеринг ташкилоти шартнома шартларини белгиланган муддат ва меъёрлар, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормаларига риоя этган ҳолда бажарган тақдирда **Харид комиссияси томонидан берилган хулосага мувофиқ, шартнома 2022-2023-ўқув йили тугагунга қадар узайтирилиши мумкин.**



**IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари**

<b>ООО «DOLCI ORGANIC»</b>	<b>Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги</b>
Ташкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани	Нукус шаҳри, А.Досназаров 62 уй
Катта Дархон кўчаси, 9 уй	х/р 23402000300100001010
р/с: 2020 8000 2007 1674 8005,	МФО 00014 ИНН 201122919
Расчетный в Автотранспортный филиал Асака банка, МФО:00417,	Марказий банк Тошкент шаҳри
ИНН: 304588586, ОКЭД:46360, ОКПО 26839154	л/с 100021860354017092100075005
	ҚР Ғазначилик бошқармаси
	ИНН 200358030
Директор  Аскарлов Ш.Ш.	Вазир  А.Наримбетов
М.Ў.	М.Ў.

Ҳуқуқшунос:

  
(Имзо)

С.Атамуратов

**Кейтеринг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича намунавий шартномага  
1-ИЛОВА**

**Амударья райони 5, 12, 13, 17, 22, 25, 26, 27, 30, 31-санли мектеплер  
ШАРТНОМАНИНГ ПРОГНОЗ СУММАСИ**

T/p	Ойлар	Ойда- ги кун- лар сони	Ўлчов бирлиги	Хизмат бирли-ги учун нарх (сўм)	Хизмат бирлик- лари сони	Жами сумма ҚҚС сиз (сўм)	ҚҚС — %	Жами сумма ҚҚС билан
	<b>Жами:</b>	<b>41</b>	<b>нафар</b>	<b>231240</b>	<b>2122</b>			<b>490 691 280</b>

М.Ў



М.Ў





02-08/9-10/535  
14.10.2022



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгаши Раисининг  
биринчи ўринбосари, харид  
Комиссияси раиси

Н.Ерлеспесов

» октябрь 2022 йил

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, умумий ўрта таълим муассасаларида кейтеринг усулида соғлом овқатлантириш тизимини ташкил этиш бўйича харид комиссияси мажлис  
**БАЁНИ**

2022 йил \_\_\_\_ октябрь

Нукус шаҳри

Раислик қилувчи: Н.Ерлеспесов - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, харид комиссияси раиси

Иштирок этганлар: Харид комиссияси аъзолари  
(руйхат бўйича)

#### КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 августдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 472-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида

(Ерлеспесов, Данияров, Наримбетов, харид комиссияси аъзолари)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 августдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 472-сонли қарори ижроси юзасидан Вазирлар Кенгашининг қарори (453-13-0-Қ/22-сон, 30.08.2022й) қабул қилинди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг мажлис баёни билан (01-08/10-08/465-сон, 31.08.2022й) умумий ўрта таълим муассасаларида кейтеринг усулида соғлом овқатлантириш тизимини ташкил этиш ишларини назорат қилувчи ишчи гуруҳ ва харид комиссия таркиби тасдиқланди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 716 та умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган 143 577 нафар бошланғич синф (1-4-синфлар) ўқувчиларига тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш мақсадида, умумтаълим мактаблари 64 та лотга ажратилди.



Ажратилган лотлар махсус электрон платформага (<http://etender.uzex.uz/>) жойлаштирилиб, ушбу лотлар бўйича келиб тушган таклифлар Харид комиссияси томонидан ўрганиб чиқилиб, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 августдаги 472-сон қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ баҳоланиб, 9 та лот ғолиблари билан 4 468 613,3 минг сўмлик шартномалар имзоланди.

Шунингдек 33 та лот бўйича келиб тушган таклифлар Харид комиссияси томонидан ўрганиб чиқилиб, ғолиб ташкилотлар аниқланди.

Жумладан, 2022 йил 10-октябрдаги 22110012157051-сон лотнинг 157051-сон баёни, 22110012156875-сон лотнинг 156875-сон баёни, 22110012156706-сон лотнинг 156706-сон баёни, 22110012156696-сон лотнинг 156696-сон баёни, 22110012156593-сон лотнинг 156593-сон баёни, 22110012156172-сон лотнинг 156172-сон баёни, 22110012156020-сон лотнинг 156020-сон баёни, 22110012156019-сон лотнинг 156019-сон баёни, 22110012156017-сон лотнинг 156017-сон баёни, 22110012156010-сон лотнинг 156010-сон баёни, 22110012156009-сон лотнинг 156009-сон баёни, 22110012156008-сон лотнинг 156008-сон баёни, 22110012156005-сон лотнинг 156005-сон баёни, 22110012155374-сон лотнинг 155374-сон баёни, 22110012155372-сон лотнинг 155372-сон баёни, 22110012155371-сон лотнинг 155371-сон баёни, 22110012155370-сон лотнинг 155370-сон баёни, 22110012155369-сон лотнинг 155369-сон баёни, 22110012155368-сон лотнинг 155368-сон баёни, 22110012155367-сон лотнинг 155367-сон баёни, 22110012155365-сон лотнинг 155365-сон баёни, 22110012155364-сон лотнинг 155364-сон баёни, 22110012155363-сон лотнинг 155363-сон баёни, 22110012155360-сон лотнинг 155360-сон баёни, 22110012155357-сон лотнинг 155357-сон баёни, 22110012155353-сон лотнинг 155353-сон баёни, 22110012155351-сон лотнинг 155351-сон баёни, 22110012155348-сон лотнинг 155348-сон баёни, 22110012155341-сон лотнинг 155341-сон баёни, 22110012155340-сон лотнинг 155340-сон баёни, 22110012155334-сон лотнинг 155334-сон баёни, 22110012155332-сон лотнинг 155332-сон баёни, 22110012153595-сон лотнинг 153595-сон баёни бўйича комиссия томонидан баҳоланган мезонларга танловда (тендер) иштирок этган тадбиркорлар томонидан эътироз ва мурожаатлар бўлмаганлиги аниқланди.

Бугинги кунда қолган 22 та лотлар бўйича иштирокчилар томонидан берилган таклифлар Харид комиссияси томонидан ўрганиб чиқилмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ, харид комиссияси

### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Умумий ўрта таълим муассасаларида кейтеринг усулида соғлом овқатлантириш тизимини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 августдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 472-сонли қарори билан тасдиқланган Низом



талабларига мувофиқ танлов (тендер) ўтказишда электрон платформага жойлаштирилган лотлар бўйича баҳоланган натижалар юзасидан харид комиссияси котиби С.Хабиповнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (Наримбетов) Харид комиссиясининг хулосаси ҳамда махсус электрон платформа томонидан қолиб деб топилган иштирокчилар билан умумий ўрта таълим муассасаларида кейтеринг усулида соғлом овқатлантириш тизимини йўлга қўйиш мақсадида белгиланган тартибда шартномани имзоласин.


3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ қолиб ташкилот танлаб олиш шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортганда, шартнома тузиш ҳуқуқи кейинги (захира) иштирокчи билан (таклиф қилинган суммадан ошиб кетмаган миқдорда) имзоланиши белгилаб ўтилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги танлаб олиш якуни бўйича қолиб ташкилот билан шартнома тузиш ва имзоланган шартномани 3 (уч) иш куни ичида махсус информацион порталга ([www.xarid.uz](http://www.xarid.uz)) жойлаштириш чораларини кўриш топширилсин.

5. Харид комиссияси котиби (С.Хабипов) ушбу танлаб олишга тегишли барча ҳужжатларни белгиланган тартибда сақланишини таъминласин ҳамда ҳар бир танлов (тендер) якуни бўйича комиссия раисига маълумот киритиб борсин.

6. Мазкур баён қарори ижросини таъминлаш Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири А.Наримбетов зиммасига юклатилсин.

Баёнлаштирган, комиссия котиби



С.Хабипов

